

## ТЕРГОВ-ТЕЗКОР ГУРУҲИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Дўстмуродов Азизжон Акбар ўғли

Навойи вилояти ИИБ ТБ ЮТБ етакчи юрисконсулти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7135134>

**Аннотация.** Мақолада ишнинг судга қадар иш юритишида тергов-тезкор гуруҳлари фаолиятини таъкил этиши ҳақидаги ҳуқуқий нормаларни жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгилаш, хорижий давлатлар олимларининг фикр ва мулоҳазалари билан қийсий йўл билан таққосланган, шунингдек, тергов-тезкор гуруҳлари фаолиятини таъкил этишининг мавжуд муаммолари ҳамда мазкур муаммолар ва қонундаги бўйлиқларни бартараф этиши бўйича таҳлиллардан келиб чиқиб таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, тергов-тезкор гуруҳи, тергов гуруҳи, терговчи, воқеа жойи, исботлаш, жиноятни фош этиши.

## МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БЫСТРОЙ РАССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ ГРУППЫ

**Аннотация.** В статье рассматривается рассмотрение дела в судеопределение правовых норм об организации деятельности следственных групп в уголовно-процессуальном законодательстве, сопоставление с мнениями и мнениями ученых зарубежных стран, а также существующие проблемы организации деятельности следственных групп и анализ устранения указанных проблем и пробелов в законодательстве. На основании этого даются предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** досудебное расследование, расследование, предварительное следствие, следственная группа, следственная группа, следователь, место преступления, доказательства, раскрытие преступления.

## INTERNATIONAL EXPERIENCE IN IMPROVING THE PERFORMANCE OF THE FAST INVESTIGATION GROUP

**Abstract.** In the article, the case is being processed before the court determination of the legal norms on the organization of the activity of investigative teams in the criminal-procedural legislation, compared with the opinions and opinions of scientists of foreign countries, as well as the existing problems of the organization of the activities of the investigative teams and the analysis of the elimination of these problems and gaps in the law Based on this, suggestions and recommendations are given.

**Keywords:** pre-trial investigation, investigation, preliminary investigation, investigative team, investigative team, investigator, crime scene, evidence, crime detection.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги сўзлаган нутқида “2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили асосида амалга оширилади” деб таъкидлаган эди.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Давлатимиз ҳуқуқий сиёсати соҳасида юз бераётган кенг кўламли ўзгаришлар жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини халқаро ҳуқуқ нормаларига янада уйғунлаштиришга хизмат қилмоқда. Фикримизча, бундай жараённинг юзага келиши табиийдир, чунки интеграциялашув жараёнида иштирок этадиган давлатлар жинойий ҳуқуқ соҳасида бир-бирига ўхшаш бўлган муаммоларга дуч келадилар. Масалан:

- жиноятларнинг ўсиши (трансмиллий жиноятлар ҳисобига);
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари орасида ҳамкорлик муносабатларининг етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлиги;
- қонунчиликнинг мураккаблиги ва замон талабларига мос келмаслиги;
- инсон ҳуқуқларига риоя этиш нуқтаи назаридан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бўлган талабнинг ошганлиги;
- жабрланувчиларнинг жинойий тажовузлардан самарасиз ҳимоя қилинганлиги;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига нисбатан жамоатчилик ишончинининг йўқотилиши.

Дунёнинг турли мамлакатларида жиноят жараёнини таснифлашнинг ўзига хос ёндашувлари мавжудлигини эътиборга олиб, тадқиқот ишимизда мавжуд ҳуқуқий тизимларни ҳуқуқий оилаларга бирлаштиришга асосланган ёндашув асосида кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Биз ўз таҳлилларимизни жиноят ишларини юритишнинг англо-саксон ва романо-герман ҳуқуқ оилалари таснифида амалга оширдик.

Агар биринчи гуруҳда Англия ва Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) бўлса, иккинчи гуруҳ эса Германия, Франция ва Россия каби дунёнинг ривожланган мамлакатлари ўрин олган. Маълумки, ушбу мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги асрлар давомида барқарор фаолият кўрсатиб келмоқда. Қолаверса, уларнинг қонунчилиги жаҳон тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, дунёнинг бошқа мамлакатлари қонунчилиги ривожига катта таъсир кўрсатган.

Шу муносабат билан юқорида қайд этилган хорижий мамлакатларнинг терговга қадар текширув фаолияти борасидаги бой тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, жиноят ишларининг терговга қадар текширув институтини жиноят процессининг таркибий қисми сифатида такомиллаштиришни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, МДҲ мамлакатлари Жиноят-процессуал кодексиларига ҳам эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, чет эл давлатлари қонунчилигининг муайян ҳуқуқий шарт-шароитларини ўрганишда давлатимиз ва жамиятимизга хос ҳуқуқий, ижтимоий ва сиёсий хусусиятларни инобатга олиш зарур бўлади.

Дастлаб Франция Республикаси қонунчилигини ўрганишдан бошласак. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси билан солиштирганда Франциядаги жиноят процесси бироз бошқача тузилишга эга бўлиб, ушбу ҳужжат 1958 йилда қабул қилинган ва 1959 йилнинг 2 март куни кучга кирган Жиноят-процессуал кодекси асосида амалга оширилади. Ушбу кодексда жиноят процессининг дастлабки (суриштирув, жинойий таъқибни кўзғатиш, дастлабки тергов) ва якуний (суд, апелляция ва кассация) босқичлари аниқ чегаралар билан белгилаб берилган.

Аксарият ҳолларда, дастлабки тергов бошлангандан-тамомлангунга қадар полиция ва жандармериялар томонидан суриштирув шаклида олиб борилади. Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган (баъзи вақтда прокурорнинг кўрсатмаси асосида) жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов полиция томонидан мажбурий тартибда ўтказилган суриштирувдан сўнг амалга оширилади.

Суриштирув босқичи содир этилган жиноят тўғрисида маълумот олинган вақтдан бошланиб (Франция Жиноят-процессуал кодексининг 14-моддаси. «Жиноий қонуннинг бузилиш фактларини аниқлаш»), прокурор томонидан жиноий таъқиб (иш)ни кўзғатиш учун асос бор ёки йўқлиги тўғрисида қарор чиқариш билан яқунланади. Ушбу жараёнда прокурор томонидан қарор қабул қилинишида Франциянинг ЖКда келтирилган қоидаларига ҳам амал қилинади. Шунингдек, ушбу босқичда жиноятни очиш ва гумонланувчини топиш билан боғлиқ тезкор-процессуал ҳаракатлар амалга оширилиб, жиноий таъқибни бошлаш, содир этилган ижтимоий хавfli қилмишни баҳолаш ва тегишли органга юборишга доир ҳужжатлар прокурорга тақдим этиш учун тўпланади.

Францияда полиция ходимлари суриштирув ўтказиш вақтида ҳар қандай тергов ҳаракатларини ўтказиш, шу жумладан, мажбурлаш чораларини қўллаш ваколатига эга бўлиб ҳисобланади (бу ҳолатда, содир этилган жиноят ҳақида «зарурий маълумот» бериши мумкин бўлган шахсни қўлга олиш мумкинлигини айтиш кифоя). Шунингдек, суриштирув жараёнида тўпланган барча маълумотлар далилий аҳамият касб этади.

Бизнинг жиноят-процессуал қонунчилигимизда эса бу каби нормалар мавжуд эмас, жумладан шахсни гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинмагунга қадар унга нисбатан процессуал мажбурлов чоралари қўлланилмайди.

Франция жиноят-процессуал қонунчилигида судга қадар иш юритишнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиб қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидан фарқли равишда жиноий таъқибни кўзғатиш мақсадга мувофиқлик тамойилига асосланган;

Жиноят ишлари бўйича иш юритишнинг бошланиши расман рўйхатга олинмайди;

Судга қадар иш юритишни бошлаш билан боғлиқ ҳаракатлар жиноят процессининг алоҳида қисмига (босқичига) ажратилмаган.

Навбатдаги тадқиқот объекти сифатида Германия жиноят-процессуал кодексини ўрганилганда қуйидагилар аниқланди. Германия жиноят процесси кўп йиллар давомида француз модели асосида такомиллаштирилганлиги ҳисобига француз моделига ўхшатилади. Германияда жиноят процесси таркибида терговга қадар текширув мустақил институт сифатида ажратилмаган. Суриштирув жиноят процессининг дастлабки ва ягона босқичи саналади. Жиноятга оид ҳисоботлар фақат полиция томонидан олиб борилади. Суриштирув жараёнига раҳбарлик прокурор томонидан амалга оширилади. Шунингдек, Германия Федератив Республикаси жиноят процессида суд терговчиси (туман судья-терговчиси) ҳам иштирок этади. Унинг иштироки далилларни қонун талаблари асосида тўпланишини таъминлаш, жиноят иши бўйича энг муҳим қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ.

Кўп жиҳатдан, буни Германиядаги жиноят процессига нисбатан жорий ёндашув билан изохлаш мумкин. Аслида «Германия жиноят-процессуал қонунчилигида одатда исботлашнинг икки тури мавжуд бўлиб, булар мажбурий ва эркин турларидир».

Мажбурий исботлаш турида суд томонидан мазкур фаолият батафсил процессуал тартибга солинади. Ўз навбатида, эркин исботлаш процессуал шаклга риоя қилишни талаб қилмайди ва иштирокчилар учун махсус билимларни танлаш ва исботлаш учун жуда кенг эркинлик беради.

Шундай қилиб, дастлабки тергов босқичида полиция ходимларининг фаолияти натижаларида тўпланган маълумотларни «соф шаклда» далил сифатида эътироф этиб бўлмайди. Шу билан бирга, қонунда полиция томонидан тўпланган маълумотларнинг ҳимоя ва айблов томонлари иштирокида процессуал талабларни мажбурий бажариш билан тергов ҳаракати орқали тўпланган маълумотларнинг тўғрилигини текширувчи туман судьяси иштирокида уларни қонунлаштириш имконияти назарда тутилади. Акс ҳолда, полиция ёки прокуратура томонидан олинган маълумотлар далил сифатида судда фойдаланилиши мумкин эмас. Германия жиноят-процессуал қонунчилиги тарафларнинг тортишув тамойилини ўзида акс эттирмаган бўлса-да, лекин исботлаш жараёнида тарафларга тергов ҳаракатларини бошлаш учун тенг имкониятлар яратиб берган.

Айни пайтда жиноят ишини кўзғатиш босқичи, аввало МДХга аъзо давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида сақланиб қолмоқда.

2017 йилда Украина Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинди ва қонуний кучга кирди. Ушбу кодекснинг 214-моддаси судга қадар иш юритиш тартибини ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган бўлиб, унда терговчи ёки прокурорга жиноят содир этганлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушганидан сўнг ёки жиноятни уларнинг ўзлари аниқлаган тақдирда 24 соатдан кечиктирмасдан жиноят ҳақидаги маълумотларни ишни судга қадар юритишнинг ягона реэстрига киритиш ва терговни бошлашларини талаб қилади.

Украина жиноят-процессуал қонунчилигига, кўра жиноят ҳақидаги маълумотлар ягона реэстрга киритилишидан аввал фақатгина тергов-тезкор гуруҳи томонидан ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишга рухсат берилади.

Украина Республикаси ИИБ терговга қадар текширувни амалга оширувчи идоралар фаолиятини тизимлаштириб, улар учун умумий бошқарувни амалга оширишни бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари зиммасига юклатади.

Жумладан, жиноят ҳақида хабар келиб тушгач, тезкор навбатчи зудликда терговга қадар текширувни амалга оширувчи идора раҳбарини огоҳлантиради ва ўз навбатида раҳбар айнан қайси терговчи ҳолат юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришини белгилаб беради. Ички ишлар ҳудудий органининг бошлиғи ҳодиса жойига тергов тезкор гуруҳини тўлиқ таркибда юборилишига масъул ҳисобланади.

Тергов-тезкор гуруҳининг асосий вазифалари этиб жиноят жойида излар, далилий ашёлар, гувоҳларни аниқлаш ва ишни бошқа ҳолатларини ўрганиш ташкил қилади ва унинг таркибига терговчи, ЖҚБ тезкор вакили, инспектор-криминалист (заруратга қараб мутахассис-кинолог хизмат ити билан бирга) лар киритилади.

Ўта оғир ва аҳоли ўртасида шов-шув уйғотувчи жиноятлар содир этилганида ҳодиса содир этилган жойга бевосита ИИО раҳбари чиқади ва у тергов-тезкор гуруҳ фаолиятини мувофиқлаштиради, кейинчалик ушбу тоифа тергов-тезкор гуруҳининг фаолиятини раҳбарлик қилиш тергов бўлими бошлиқлари зиммасига ўтади.

Тергов-тезкор гуруҳига терговчи раҳбарлик қилади ва унинг топшириқлари ижро учун мажбурий ҳисобланади. Бундан ташқари тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг терговга қадар текширув жараёнидаги ҳамкорлигининг тартиби белгиланган.

Бу жиноят-процессуал қонунчилик нормаларидан ташқари Украина Республикаси ИИВ нинг 2017 йил 7 июль кундаги “Жиноятларни олдини олиш, аниқлаш ва тергов қилиш жараёнида терговга қадар текширув идораларининг бошқа ташкилотлар, ҳамда Украина Миллий полицияси бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ҳақида Йўриқномаси тасдиқлаш” юзасидан қабул қилинган 575-сонли буйруғи билан ҳам тартибга солинган.

2014 йилда Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси кучга кирди. Мазкур қонун қабул қилиниши билан Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидан жиноят иши қўзғатиш босқичи чиқариб ташланди. Ишни судга қадар юритиш босқичининг бошланғич нуқтаси сифатида аризани судга қадар иш юритишнинг ягона рўйхатидан ўтказиш ёки биринчи ўтказилган тергов ҳаракати бўлиб ҳисобланди (Қозоғистон Жиноят-процессуал кодексининг 179-моддаси). Ишни судга қадар юритиш босқичи муддати жиноят иши айблов хулосаси билан ёки прокурорга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун топшириш ҳақидаги топшириқ ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кунга қадар ҳисобланиши белгиланди.

Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 194-моддаси судга қадар иш юритиш босқичида тергов ва тезкор-тергов гуруҳининг иш юритиш тартиби деб номланади (бу моддада айнан кўп эпизодли ва катта ҳажмли жиноят ишларини тергов қилувчи тергов гуруҳ нуқтаи-назаридан ёндашилган). Унга кўра тергов ва тергов-тезкор гуруҳларига раҳбарлик терговчи томонидан олиб борилиши, бу ҳақда ҳудудий тергов бўлими бошлиқларининг қарори қабул қилиниши, гуруҳга терговчи ва бир қатор суриштирув органлари ҳодимлари киритилиши тўғрисида кўрсатилган. Судга қадар тергов органларининг асосий вазифаси жиноятларни олдини олиш, уларни аниқлаш, жиноят содир этган шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланганидек жавобгарликка тортиш, жиноят натижасида етказилган зарарларни қоплаш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклашдан иборат. Бунда тергов органларининг бошқа ИИО ва бўлинмалари билан ўзаро муносабатларини тўғри ташкил этиш учун жавобгарлик ҳудудий ИИО раҳбарларига юклатилади.

Тергов-тезкор гуруҳлари ҳудудий ИИО нинг навбатчилик қисмларида ташкил этилади. Ушбу гуруҳ таркиби ИИО раҳбари томонидан тасдиқланган ва тергов бўлими бошлиғи билан келишилган навбатчилик жадвалига асосан тузилади. Тергов-тезкор гуруҳига терговчи (гуруҳ раҳбари), тезкор вакил ва эксперт-криминалист албатта киритилиши шарт.

Оғир ва ўта оғир турдаги, шунингдек жамоатчиликнинг норозилига сабаб бўлган жиноятларни тез ва тўлиқ фош қилиб, уни тергов қилиш учун тергов-тезкор гуруҳи тергов бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда ҳудудий ИИО раҳбарининг буйруғига асосан шакллантирилади. Ушбу тоифа тергов-тезкор гуруҳи раҳбари бўлиб тергов бўлими бошлиғи тайинланади.



Тергов-тезкор гуруҳига қоида тариқасида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш учун чиққан ходимлар киритилади, агар керак бўлса жиноят содир этилган ҳудудий участка инспектори ҳам киритилиши мумкин.

Тергов-тезкор гуруҳга киритилган ходимларни терговчи (гуруҳ раҳбари) ёки судгача тергов органи раҳбари билан келишмаган ҳолда алмаштириш таъқиқланади.

Бу борада Россия Федерация Жиноят-процессуал кодексининг 163-моддасига мувофиқ, терговчи – тергов гуруҳи раҳбари сифатида тергов стратегияси ва тактикасини белгилайди. Жиноят ишини кейинги тергов-тезкор ҳаракатлари бўйича умумий режасини тузади, тергов гуруҳига киритилган ҳар бир терговчининг режасини тасдиқлайди, уларда белгиланган вазифаларни амалга оширилишини мувофиқлаштириб боради. Шунингдек, у техник ва ахборот таъминоти билан шуғулланади, тергов-қидирув фаолиятини мувофиқлаштириб, экспертизалар тайинлаш, асосий тергов ҳужжатларни тузиш, процессуал қарорлар қабул қилиш, мураккаб тергов ҳаракатларини шахсан ўтказиш каби кенг ваколатларга эга.

Гуруҳ аъзолари – терговчилар жиноят иши терговининг муайян бир йўналишлари ёки эпизодлари учун жавобгардирлар. Тергов-тезкор гуруҳи тергов ва жиноят-қидирув хизмати тезкор вакиллари билан тузилади.

Гуруҳ прокуратура ва ИИО раҳбарлари томонидан уларнинг буйруқларига асосан тузилади, бу гуруҳга мутахассислар ҳам жалб этилади.

Тергов-тезкор гуруҳи таркибига юқоридагилардан ташқари эксперт-криминалист, суд-тиббий эксперт, инспектор-кинолог (хизмат ити билан) ва бошқалар киритилади.

Тергов-тезкор гуруҳи ҳудудий ИИО навбатчилик қисмларида тузилади, уларнинг асосий мақсади жиноятлар тўғрисидаги хабарларга зудлик билан жавоб бериш, кечиктириб бўлмайдиган тергов ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишдир. Тергов-тезкор гуруҳининг таркиби ходимлар сони ва ҳудуддаги тезкор вазиятга қараб ИИО бошлиғи томонидан, унинг буйруғи билан белгиланади.

Тергов-тезкор гуруҳи фаолияти ва унинг таркибидаги ходимлар ўзларига юклатилган вазифаларни жиноят-процессуал кодексига, Россия Федерациясининг “Полиция тўғрисида”ги, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунларига, Россия Федерацияси ИИВ нинг 2008 йил 26 мартдаги “Россия федерацияси ички ишлар органлари бўлинмаларининг жиноятларни очиш ва тергов қилишда ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи ва бошқа қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади.

2021 йилнинг 28 октябрь куни Қирғизистон Республикасининг янги жиноят-процессуал кодекси қабул қилинди. Ушбу кодекснинг қабул қилиниши билан Қирғизистон Республикаси Қозоғистон ва Украина давлатлари сингари жиноят-процессуал қонунчилигидан жиноят ишини кўзғатиш ва терговга қадар текширув босқичларини чиқариб ташлади. Унинг ўрнига жиноят ва қилмиш (проступок)ни рўйхатдан ўтказиш ягона реестри жорий этилиб, судга қадар иш юритишни бошлаш айнан шу ҳаракат билан бошланиши белгилаб берилди (шу билан бирга Қирғизистон Республикасининг янги Жиноят кодекси ҳам қабул қилинди). Судга қадар иш юритиш босқичининг ўзи эса иккига бўлиниб, тергов ва ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш тартиби белгиланди.

Кодекснинг 22 боби кўздан кечириш деб номланиб, 172-моддасида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тўғрисидаги тушунчалар ёритилган, унга кўра терговчи турли хил моддий объектлар ва улардаги изларни топиш, шунингдек воқеа ҳолатини ойдинлик киритиш, жиноят иши учун муҳим бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш учун ҳодиса жойини кўздан кечириши кўрсатилган.

Мазкур модда билан, суриштирув органлари зиммасига қатор мажбуриятлар юклатилган, жумладан, ҳодиса жойини кўздан кечиришда терговчига ёрдам бериш, терговчининг топшириғига асосан ҳодиса жойини кўриқловини ташкил қилиш, жиноятларни “иссиқ изи”дан уни содир шахсларни аниқлаш ва уларни қидириб топиш, ушлаш чораларини кўриш ва бошқалар.

Терговчининг маълум сабабларга кўра ҳодиса жойига етиб келиши қийинлашганда, унинг кўрсатмасига асосан кўздан кечиришни суриштирувчи амалга ошириши мумкин.

Терговчи ҳодиса жойини кўздан кечиришда иштирок этаётган ҳар қандай шахсни тергов ҳаракатлари тугагунига қадар кетишини таъқиқлаш ва тергов ҳаракатларини олиб боришга ҳалақит қилаётганларни ҳолатларни бартараф қилиш ҳуқуқига эга.

Умуман олганда, Россия Федерацияси, Украина, Қирғизистон давлатларининг жиноят-процессуал қонунчилигини ислоҳ қилиш натижалари ижобий баҳоланиши мумкин. Бизнингча, уларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган бир нечта самарали қоидалар мавжуд.

Масалан, юқорида Украина жиноят процессуал қонунчилигидан келтирилган жиноят ҳақида хабар келиб тушгач, тезкор навбатчи зудликда терговга қадар текширувни амалга оширувчи идора раҳбарини (тергов бошлигини) огоҳлантиради ва ўз навбатида раҳбар айнан қайси терговчи ҳолат юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришини белгилаб беради.

Тергов раҳбарига ушбу ваколатларни берилиши содир этилган жиноятга нисбатан терговчини тажрибаси, илмий-амалий салоҳиятини ҳисобга олиб танлаш имконини беради ва бу ўз навбатида жиноятни фош қилишга ижобий ёндошув сифатида қаралиши мумкин. Ички ишлар ҳудудий органининг бошлиғи эса ҳодиса жойига тергов-тезкор гуруҳининг бошқа аъзоларини тўлиқ таркибда юборилиши учун масъул ҳисобланиши керак.

## **МУҲОКАМА**

Шу ўринда, Қирғизистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилик нормаларида тергов-тезкор гуруҳи фаолиятини ташкил этиш юзасидан алоҳида модда киритилмаган бўлсада, ҳодиса жойини кўздан кечириш деб номланувчи 172-моддасида айнан тергов-тезкор гуруҳига терговчининг раҳбарлик роли белгилаб берилган, жумладан, терговчига унинг топшириғига асосан ҳодиса жойини кўриқловини ташкил қилиниши, жиноятларни “иссиқ изи”дан фош этиш мақсадида уни содир этган шахсларни аниқлашга қаратиш, уларни қидириб топиш, маълум сабабларга кўра ҳодиса жойига етиб келиши қийинлашганда, унинг кўрсатмасига асосан кўздан кечиришни суриштирув органи ходимлари томонидан ўтказишга кўрсатма бериш ҳуқуқлари берилган.

Юқорида келтирилган фикрлардан биз ҳар бир давлатнинг жиноят-процессуал қонунчилиги ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини, баъзи давлатлар қонунчилиги бир-бирига ўхшаш эканлигини, бир қатор мамлакатлар ўз қонунчилигида жиноят ишини

қўзғатиш босқичини сақлаб қолганлигини, айримлари эса жиноят ишини қўзғатиш босқичини рад этиб, маълумотларнинг ягона реестрда қайд этилишини жорий этганликларини кузатишимиз мумкин.

## ХУЛОСА

Барча мамлакатларда ушбу жараён турлича кечаётган бўлса-да, лекин ушбу жараёнда шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланишига алоҳида эътибор қаратилганлигига гувоҳ бўламиз.

Ҳозирги кунда олиб борилаётган тергов ҳаракатлари таҳлилидан маълум бўлдики, тергов ва суриштирув ходимлари тергов-тезкор гуруҳи таркибида аксарият вазиятларда зарур илмий-назарий тавсияларнинг йўқлиги туфайли бир қатор қийинчиликлар билан тўқнаш келмоқдалар. Демак назариянинг ҳозирги вазифаси шу каби муаммоларни бартараф этишда амалиёт ходимларига яқиндан ёрдам кўрсатишдан иборат бўлмоғи зарур.

## REFERENCES

1. Ш.М.Мирзиёев “БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқи. <https://prezident.uz>.
2. Франциянинг 1958 йилги Жиноят-процессуал кодекси. (1966 йил 1 январдаги ўзгартириш ва қўшимчалари билан) – М., 1967.
3. Уголовный кодекс Кыргызской Республики // URL: <http://online.adviser.kg/>
4. Code pénal (France) (Франция Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари, француз тилида) //URL:<http://www.legifrance.gouv.fr/affich/Code.docid>.
5. Германия Жиноят кодекси, немис тилида // URL: <http://www.gesetze-im-internet.de/stgb/index.html>.
6. Украина Жиноят кодекси. [https://kodeksy.com.ua/ka/ugolovno\\_protseualnij\\_kodeks\\_ukraini/statja-214.htm](https://kodeksy.com.ua/ka/ugolovno_protseualnij_kodeks_ukraini/statja-214.htm).
7. Уголовный-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 04.07.2014 г. <http://Legislation.org>.
8. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 04.07.2014 г. <http://Legislation.org>.
9. Головкин, Л. В. Формы дознания в уголовном процессе Франции / Л. В. Головкин // Вестник Московского университета. Сер. 11, Право. – 1994. – № 1. – С. 64-70.
10. Кулбаев А.К. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики 2017 года: новеллы. Учебно-практическое пособие. – 2018.
11. Калиновский К.Б. Уголовный процесс современных зарубежных государств: Учебное пособие. Петрозаводск, 2000. С. 19.
12. Филимонов Б.А. Основы теории доказательств в германском уголовном процессе: монография. М., 1994.С.25.
13. Старкова С.Н. <https://xreferat.com/22/12433-1-rabota-sledstvenno-operativnoiy-gruppy.html>.
14. <http://lawlibrary.ru/izdanie8280.html>.
15. <http://law.sfu-kras.ru/data/method/e-library-kup>.
16. <https://jurliga.ligazakon.net/ru/news/163558>
17. <https://online.zakon.kz/document/doc31575852>.